

---

"Мард ўғлон" давлат мукофотининг 2024 йилги саралаш босқичига старт берилди!

Айни пайтда Давлат мукофотига 2024 йилги саралаш жараёнлари [амалга оширилмоқда](#).

Шу муносабат билан, Республика ҳамда халқаро миқёсида ўтказилган мусобақалар, лойиҳа ва танловларда ғолиб бўлган, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида юқори натижаларга эришган ҳамда мардлик ва жасорат, қатъиятлилик, ҳалоллик, ватанпарварлик каби фазилатлари, шунингдек, ўзининг чуқур билими, ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, шижоати ва фидойилиги билан ажралиб турган иқтидорли 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигитлар ўз ҳужжатларини 1 мартга қадар яшаш манзили жойлашган ҳудуд бўйича Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига топшириши тавсия этилади.

Низом билан танишиш: <https://lex.uz/docs/-3418697>

2024-01-17 09:07:41